

тақсимоти ва назорати билан 4 нафар мироббоши ва 56 нафар мироблар шуғулланганлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Наманган шаҳри ва унинг атроф қишлоқларини суғориш ишларини такомиллаштириш мақсадида бир неча суғориш иншоотлари қурилган бўлиб, жумладан Янгиариқ канали ҳам аҳолига кенг миқёсда фойда келтирган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Садуллаев ва б. Ўзбекистон тарихи. 1 қисм, Тошкент; 1997.
2. Туркестанский ведомости, 1880, № 24.
3. Насритдинов Қ. Наманган воҳасининг суғориш тарихидан // Ўзбекистон ижтимоий фанлар. 2000. №2.

Қўқон хонлигида хусусий, жамоа ва вақф ерларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳақида.

Холматов Мухсин Мўйдинович,

Аманов Абдусалим Абдусаломович.

ҚўқонДУ “Тарих” кафедраси ўқитувчилари.

Тел: +99890-507-89-58 E-mail: xolmatovm1966@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Қўқон хонлигида мавжуд бўлган хусусий, жамоа ва вақф ерлари ҳамда улардан фойдаланишдаги тартиб-қоидаларни тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, ер эгалиги, хусусий ерлар, жамоа ерлари, вақф мулки, васиқа, суғориш иншоотлари, суғориш тизими, деҳқончилик, солиқлар, мажбуриятлар, хашар.

Аннотация: В данной статье ставится задача проанализировать и охватить существующие частные, общинные и земельные фонды в Кокандском ханстве и порядок их использования на основе исторических источников.

Ключевые слова: Кокандское ханство, земельная собственность, частные земли, общинные земли, фонд имущества, грамоты, ирригационные сооружения, ирригационная система, земледелие, налоги, повинности, хашар.

Abstract: This article seeks to analyze and cover the existing private, community and foundation lands in the Kokand Khanate and the procedures for their use based on historical sources.

Keywords: Kokand khanate, land ownership, private lands, community lands, foundation property, certificates, irrigation facilities, irrigation system, agriculture, taxes, obligations, hashar.

Бугунги кунда ХХІ асрга қадам қўйган мустақил Ўзбекистон жамиятида ҳам ўз тарихи ва ўтмиш маданиятига бўлган катта қизиқиш, ҳамда халқнинг ўз тарихига бўлган маънавий эҳтиёжини ортиб бориши Ватан тарихи соҳасида янги йўналишлар бўйича ҳар томонлама чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Қўқон хонлигида деҳқончилик туманларида биринчи навбатда, мулк ерлари ҳам асосий ўринни эгаллайди. Мулк ерларига эгалик қилиш ҳуқуқини фақатгина олий ҳукмдор-хондан-давлатдангина олиш мумкин, уларни суғориш ҳам ҳукуматни рухсати билан берилган (агар ер ўзлаштирилмаган ер бўлса). Лекин давлатдан ишлов бериладиган ерларни ҳам сотиб олиш

мумкин эди. Мулкка бўлган ҳуқуқ сотиб олиш, суғориш ҳақидаги нарсалар хоннинг ёрлиғи, васиқаси ва муҳри билан мустаҳкамланган. Мусулмонлик ҳуқуқига кўра: “Агар ким ҳукмдордан бўш ердан фойдаланиш учун рухсат олса унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадир”.¹ Одатда янги ерларни суғориш жуда катта меҳнат ва куч талаб этади. Табиийки, ирригация иншоотларини қуриш фақат йирик феодаллар, жамоа ва давлатнинг қўлидан келган. Улар янги ерларга сув чиқариш ташаббускорлари бўлган, шу сабабдан бу ерларга эгалик қилишган. Ўрта Осиё шароитида сувсиз ҳеч қандай деҳқончилик қилиш мумкин эмас. Ерга эгалик қилиш суғоришда ишлатиладиган сувларга ҳам эгалик қилишга сабаб бўлган. Хусусий мулк эгаси шунинг учун ҳам мулк-ер эгаси, ҳам сувга хўжайинлик қилган. Ерларнинг олди-сотди ишларида бир томонда кўп ер майдонларини қўлида тўплаган йирик ер эгалари бўлса, иккинчи томонда хонавайрон бўлиб бораётган деҳқонлар турган.

Мулк эгалари солиқларни тўлашга ва мавжуд давлат мажбуриятларини бажаришга мажбур бўлганлар. Мулк ерлар (хусусий ерлар) солиқ солинишда иккига бўлинади: солиқлардан озод этилган ерлар (мулки хур ёки мулки холис) ва давлатга солиқларни тўловчи ерлар (мулки хирож ёки мулки ушр).[1. –Б:103] Баъзи олимларнинг фикрича, хонликда хусусий ерларни тўрт қисмга бўлишади:[2. – Б:15]

1) Мулки холис ёки мулки хур–хон давлати олдида алоҳида хизматлари учун берилган, солиқлардан озод этилган ерлар;

2) Мулки ушр–олинган ҳосилнинг $\frac{1}{10}$ бири давлатга солиқ тариқасида берилган ерлар;

3) Мулки хориж-босиб олинган ерлар бўлиб, ҳосилнинг тўртдан ёки бешдан бир қисми хон давлатига солиқ сифатида тўланган;

4)мулки вақф—мусулмон диний ташкилотларига ҳадя қилинган ерлар.

Давлатга солиқ тўлашдан озод қилинган ерлар сотиб олиш пайтида мулк эгаси ерни $\frac{2}{3}$ ёки $\frac{3}{4}$ қисмидан давлат фойдасига кечиб юборилган ҳолатда ташкил топади ва солиқ тўлашдан озод қилинади. Давлат ердан олинадиган тўлов солиқларни олдиндан ундириб олган ва ерга солиқ тўламасдан эгалик қилишни берган. О.И.Чехович асарида шундай дейилади: «Сотиб олинган сувлар ва ерлар сотилгунга қадар давлат ерлари бўлган, хон тасарруф этган, бу мулкларнинг қонуний сотиб олиниши натижасида кўрсатилган мулклар сотиб олган шахсларнинг мулки харжига айланган, хон эса қонуний хирож ўрнига мулкнинг $\frac{2}{3}$ қисмини қабул қилиб олган, қолган бир қисми эса мулки хур, солиқлардан озод ерга айланган».[3. – Б:17-18] Мулк ерларига эгалик қилиш ҳуқуқи шартли бўлади. У фақат хон ҳукмронлик қилган йилларида ҳаракатда бўлади. Хусусий мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳномалар хон ҳазинасида сақланган ва ҳар бир янги хонни тахтга ўтириши билан янгидан бошланган. Шунинг учун бизгача етиб келган ҳужжатлардаги хон мухрларининг янгиланиб бориши, ушбу рўйхатга олинишлардан гувоҳлик беради. Бу жараёнлардан хонлар мулк ерлари эгалари қўллаб -қувватлашини кучайтиришда фойдаланишган.

Агар ўтроқ деҳқончилик ҳудудлардаги асосий ерларни мулк ерлари эгаллаган бўлса, кўчманчи ерли ўтроқ аҳоли яшайдиган ерларда чорва ва яйловларга, экин майдонларига жамоа билан биргаликдаги эгалиги, жамоа ер эгалиги (замини жамоат) кенг тарқалган. Кўпгина тадқиқотчилар жамоа ерлари амлок ва мулк ерларига ўхшаш деб фикр билдиришадилар, фақат у яйловлардан ва бошқа ерлардан жамоа бўлиб ишлашда фақланади.

Қўқон хонлигида жамоа ер эгалиги ҳуқуқи мулк ерларига ўхшашдир. Маълумки, жамоа, уруғ-қабилага мулкни тегишли бўлиши ибтидоий жамоа тузумига ҳосдир. Жамоа ер эгалиги XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистон, Германия, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд бўлган.

Қўқон хонлигида жамоа ер эгалигининг манбаи жамоа билан сув чиқарилган, хондан сотиб олинган ерлар ҳисобланган. Жамоа ерларига эгалик ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлиб, ер фақат ҳамма жамоа аъзолари розилиги билан давлат ихтиёрига ўтказилган ёки бошқа шахсга сотилган. «Уруғ (жамоа) ерлари кўпинча бутун уруққа хон томонидан алоҳида ҳарбий хизматлари учун берилган. Бу ерлардан давлат фойдасига ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида солиқ ундирилган ва уруғ учун хон ҳужжати- васиқа билан мустаҳкамланган. Васиқада ернинг чегараси, ариқлар сони ва бошқалар кўрсатилган. Бу ҳужжатларга ҳар бир янги хоннинг муҳри қўйилган». Булар шуни тасдиқлайдики «уруғ (жамоа) ерлари фақат суғориладиган ерлар бўлиб, бир вақтлар давлатга қарашли суғорилмайдиган ерлар ҳисобланган. Жамоа эгалиги фақат ерларга расмийлашган бўлиб қолмай, яйловларга ҳам тегишли бўлган.

Шуниси аҳамиятлики, Абу Убайдиллонинг «Хоасат-ул-аҳвол» кўлёзмасида жамоадаги аҳволи ночор жамоадошларининг солиқларини уруғ аъзолари томонидан тўлаб қўйишини таъкидланган.

Йирик ер эгалари жамоа ерларини эгаллаб олиш учун сув ва суғориш ишларидан кенг фойдаланишган. Натижада жамоа ерлари яна ҳусусий ерларга айланиб қолган.

Масжидлар, мадрасалар ва хонликдаги бошқа диний муассасалар вақф ерларига эгалик қилишган. Вақф асосан ҳадянома ёки васиятнома асосида вужудга келган. «Вақф» атамаси араб тилида «тўхташ», «ушлаб туриш» деган маънони билдиради.² Вақфнинг юридик мазмуни шундан иборатки, мулкни маълум пайтда бир кишидан бошқасига ўтиш» яъни «махаллий кўлларга» топширилишидир.

Шариатдаги таърифга кўра вақф-диний, ҳайр-саҳоват ёки маданий-маърифий мақсадларда вужудга келган ва рухонийларнинг даромад манбаига

айланиб қолган. Вақф мулкига айлантиришда ер майдонларидан ташқари дўконлар, тегирмон, қорамол ва бошқа мулклардан ҳам фойдаланишган. Вақф ер эгалиги (юримдик) ҳуқуқий жиҳатдан махсус ҳужжат-вақфномалар билан тасдиқланган, унда мулк, васият шартлари ва қандай мақсадларда ажратилганлиги тасдиқланган. Аммо вақф ерларига кўчмас мулк берилаётган бўлса, қози вақф ҳужжатини тузиб чиқади, хондан муборакнома олинади. Муборакнома ерни вақф ерлари васият қилинган шахснинг мулкига айланишига кўмак беради.

Вақф ерлар диний муассасалар ҳузурида вужудга келган бўлиб, у аста-секин кенгая боради. Чунки хонлар, беклар, феодаллар ва ҳатто оддий одамлар ҳам ўз ерларининг бир қисмини (албатта, рухонийларнинг таъсири остида) масжиду мадрасаларга ҳадя этар эдилар.

Хулоса қилсак, Қўқон хонлигида мавжуд хусусий ерлар, жамоа ва вақф ерларида асосан аҳоли ижарага меҳнат қилган ва улар иқтисодий турмушининг асосий манбаларидан бири ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Хидая. Комментарий мусульманского права// под. Ред Н.И Гродекова. Т.; 1893
2. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. Наманган 1994.
3. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве вып. 1 акты феодальный собственности на землях XVI-XIX вв. Ташкент, 1954.

Қўқон хонлигида амлок ва хон ерларидан фойдаланиш тартиблари.

Холматов Мухсин Мўйдинович.